

# Куч-адолатда

Адл ила олам юзин обод қил

2020 йил  
14 август,  
жума  
№ 28 (801)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.sud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## САМАРҚАНД ФОРУМИ:

### «ЁШЛАР – 2020: ГЛОБАЛ БИРДАМЛИК, БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»

Куни кеча, 12-13 август кунлари бўлиб ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми худди шу мавзуга бағишланди.

Самарқанд форуми ишида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Кенгаши, Ислон Ҳамкорлик Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Африка Иттифоқи тизимидаги ёшлар тузилмалари раҳбарлари, дипломатик корпус вакиллари, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро, минтақавий ва миллий институтлар, жаҳон ёшлар ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, олимлар ва экспертлар иштирок этди.

Форумда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси ҳузуридаги Ёшлар парламентлари, Ёшлар ишлари бўйича агентлик, шунингдек, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 30 дан зиёд ёшлар ташкилоти вакиллари ва ўқувчи-талабалар ҳам қатнашди. Самарқанд веб-форуми иштирокчиларининг жами сони 1000 нафардан ортиқ кишини ташкил этди.

Самарқанд форумининг расмий очилиш маросимига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов билан БМТнинг Наркотиклар ва жиноятга қарши кураш бўйича бошқармаси (ЮНОДС) минтақавий вакили, БМТ Доимий вакили вазифасини бажарувчи Ашита Миттал модераторлик қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми иштирокчиларига табригини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ўқи эшиттирди.

**Ёшлар — янги ғоялар ва ижодий руҳдаги сая-ҳаракатларни амалга оширадиган бекиёс куч**

Президент Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "келажакка интилиб ашайдиган ёш авлод сайёраимизда фарон ҳаёт ва юксак тараққиёт барқарор бўлиши учун янги ғоялар ва ижодий руҳдаги сая-ҳаракатларни амалга оширадиган бекиёс кучдир". Бу фикрлар давлатимиз раҳбарининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми иштирокчиларига йўллаган табригида янгради.

Президентимиз ўз табригида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Антониу Гутерришга Ўзбекистоннинг мазкур форумини ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватла-



гани учун чуқур миннатдорлик билдирди.

Ўзбекистон Президенти, шунингдек, халқаро анжуман ишида иштирок этган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ЮНЕСКО, Халқаро меҳнат ташкилоти, Миграция бўйича халқаро ташкилот, Парламентларо иттифоқ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Ислон ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро шерикларимизга ташаккур изҳор этди.

"БМТнинг Ёшлар стратегиясида таъкидланганидек, "ёшлар сиймосида энг қимматли ва ўта муҳим ресурслар муҳим тошган бўлиб, унга ҳар қанча инвестиция киритса арзийди, чунки бу сармоялар бир неча баробар зиёда бўлиб қайтади". Мен ғоят муҳим ушбу фикрга тўлиқ қўшиламан", деб қайд этди ўз табригида Ўзбекистон раҳбари.

"Шу йилнинг бошидан буён COVID-19 пандемияси билан боғлиқ вазият глобал ҳаёт кун тартибидидаги марказий масала бўлиб келмоқда. Янги корона-вируснинг тарқалиши бутун дунёда жиддий иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга олиб келди. Аҳоли, биринчи гада, ёшлар ана шу таҳдидларга жавобан давлатлар ҳамда халқаро ҳамжамият томонидан кенг қўллаб-қувватлаб келинган чора-тадбирлар қўрилишини талаб этадиган қўллаб муаммоларга тўқнаш келди.

Бундай шароитда ёшларнинг овозига кулоқ тутиш жуда муҳимдир. Уларнинг долзарб эҳтиёжларини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган миллий, минтақавий ва глобал стратегия ва дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда бевосита иштирок этишлари учун ёшларга имконият яратиб бериш зарур", дейилади Ўзбекистон Президентининг табригида.

Табриқда таъкидланганидек, "Аҳолисининг ярмидан зиёдини ёшлар ташкил этадиган Ўзбекистонда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган".

Шу муносабат билан, Президентимиз табригида қайд этилганидек, "БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ўзбекистон томонидан илгари сурилган Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг қабул қилиниши жаҳондаги икки миллиарддан ортиқ йигит ва кизларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. У ёш авлодини маърифий руҳда тарбиялаш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши учун шарт-шароит яратишдек эзгу мақсадларга хизмат қилади. Ушбу ташаббус халқаро жамоатчилик томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда".

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, "бугунги Форум иштирокчилари ҳам ана шу ташаббусни қўллаб-қувватлайдилар, ҳужжат лойиҳасини ўз амалий тақлифлари билан бойитдилар", деб ишонч билдирди.

**Ёшлар келажакка қатта ҳавас билан қарамоқда**

БМТ Бош қотиби Антониу Гутерриш Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форуми иштирокчиларига мурожаат йўллади. Ушбу мурожаатни БМТнинг Наркотиклар ва жиноятга қарши кураш бўйича бошқармаси (ЮНОДС) минтақавий вакили, БМТ Доимий вакили вазифасини бажарувчи Ашита Миттал ўқи эшиттирди.

БМТ Бош қотиби Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд веб-форумини ташкил этгани учун Ўзбекистон Ҳукумати га миннатдорчилик билдирди ва ушбу форум Халқаро ёшлар кунига ўткази-

лаётганига алоҳида эътибор қаратди.

Самарқанд форуми иштирокчиларини БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари, ЮНЕСКО, БМТД, БМТ Аҳолишунослик фонди (ЮНФПА), Парламентларо иттифоқ, ЕХТ Парламент Ассамблеяси, ШХТ, МДХ каби нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари ҳамда юқори даражадаги вакиллари ҳам қўллаб-қувватладилар.

Жумладан, "мазкур Инсон ҳуқуқлари бўйича Самарқанд форуми — минтақани барча навиқорон инсонлари учун ўз тажрибаларини ўртоқлашишга қўлай имконият бўлса, ҳуқуқматлар вакиллари учун — ана шу ёшларни тинглаш имкониятидир. Бу барча иштирокчилар учун барқарор ривожланишга эришишда ёшларнинг ролини ошириш йўллари ни излаш, бунда сиёсат ёшларнинг эҳтиёжлари ва овозларини ҳисобга олишини таъминлаш имконияти ҳамдир. Мен теран, очик ва самарали мунозаралар учун шундай шароитни тақдим этгани учун ҳукумат вакиллари га миннатдорчилик билдираман", деб таъкидлади ўз мурожаатида БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари Мишель Бачелет.

"Биз инсон ҳуқуқлари, айниқса, навиқорон авлод ҳуқуқлари кундалик воқеаликка айланишига эришмоғимиз учун ҳали олдимизда олис йўл турибди", деб ҳисоблайди ЮНЕСКО Бош директори Одри Азуле. "Ушбу ҳуқуқларни ҳаётга жорий этиш, ёшлар учун янги имкониятлар яратиш — ЮНЕСКОнинг келажак авлодга содиқлиги замирида айна шу ҳақиқатлар муҳим", деб қайд этди у.


Парламентларо иттифоқ Бош қотиби Мартин Чунгоннинг фикрича, "жаҳон ҳамжамияти қўнғилмаган муаммоларни ҳал этишга ҳаракат қилаётган ҳозирги даврда дунёнинг кўпроқ инновациялар, кўпроқ шиддат-шижоат ва кўпроқ ғояларга эҳтиёжи кучлидир. Ёшларда айна шу омилларнинг барчаси мавжуд. Шу маънода, айтмоқчиманки, ёшларнинг сиёсатда иштирок этиши — бу нафақат амалга оширилиши зарур бўлган ҳуқуқ, айна чоғда, бизнинг ялғи келажакка тикадиган сармомиз ҳамдир".

"Қатта авлод вакиллари ёшларни жамият ҳаётининг барча соҳаларига, умуман, жамиятга кенг жалб этишлари керак", деб ҳисоблайди Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Парламент Ассамблеяси президенти Георгий Церетели. Шунингдек, у ёшлар ҳуқуқларига бағишланган Самарқанд форуми ташкилотчилари ушбу лойиҳани пандемия даврида ҳаётга татбиқ эта олганлари жуда муҳим эканини алоҳида эътироф этди.

(Давоми 2-бетда) ►

Мамлакатимизда қатъият билан амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ маъмурий қонунчилик тизимида ҳам ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг аҳамиятини оширадиган тарихий ўзгаришлар рўй берди. Бу биринчи навбатда, конституциявий ва ҳуқуқий меъёрларда изчил ривожланиб борган демократлаштириш институтларини институционализация қилишга тааллуқлидир.

## Маъмурий судлар тизими янада такомиллаштирилмоқда



Бунда, аввало, маъмурий иш юртишнинг процессуал механизмининг такомиллаштириш, демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш ва фуқаролар ҳуқуқларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш чоралари қўрилиётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бинобарин, ду-

ненинг аксарият давлатларида ҳам маъмурий тизимда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган асосий мақсад — оммавий бошқарув тизимини транспарентлиги ҳамда маъмурий ва суд тартиб-таомилларини такомиллаштиришдан иборатдир.

(Давоми 3-бетда) ►

## Қонун ижодкорлиги

### Янги фуқаролик кодекси лойиҳаси:

олди-сотди шартномасининг янги шакллари амалга жорий этилмоқда

Президентимизнинг 2019 йил 5 апрелдаги Фармойиши билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси асосида Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти томонидан янги таҳрирдаги Фуқаролик кодекси лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.



Маълумки, кейинги йилларда фуқароларнинг иқтисодий фаоллигининг ошиши ва тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши билан олди-сотди муносабатларининг турли шакллари қўллаш тобора кенгайиб бормоқда. Насияга ёки кредитга сотиш ва олиш, товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш, қайта сотиб олиш шарти билан сотиш сингари муносабат шакллари шулар жумласидандир. Фуқаролик кодексининг ол-

ди-сотди муносабатларини тартибга солиш алоҳида 29-бобда олди-сотдининг турли шакллари ва улар бўйича шартномавий муносабатларга алоҳида урғу берилмаган. Жумладан, насияга товар сотиш, товар ҳақини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш муносабатлари "Олди-сотди тўғрисида умумий қоидалар" деб номланган 1-бобга киририлган.

(Давоми 3-бетда) ►

## Жиноят ва жазо

### Тубанлик ботқоғи икки оилани пароканда қилди

Инсон танидаги довни ювиб ташлаш мумкин. Ҳатто яра-чақаларни ҳам бир қадар жўн муолажалар кўмағида бемалол бартараф этса бўлади. Аммо юракка тушган ярага малҳам қўйиш мушкулдир. Башарти, қалбни яра эмас, қон доғлари қолган бўлса-чи? Таассуфки, бунинг даъвоси йўқдир. Бинобарин, қалб яраси ҳам, ундаги қон доғлари ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди.

Худбинлик, жоҳиллик, рухий ва ахлоқий тубанлик, ақлу идор заифлиги, ўз-ўзини идора эта олмаслик сингари кўрсурлар эса, босиқ-вазминликни сусайтиради, фавво-жанжал, таҳдид ва зўравонликка йўл очади ва бунинг оқибати эса, аксарият ҳолларда фожиа билан якун топади.

Урганч туманининг Амурдари соҳилларида туташ Чолиш шаҳарчасида яшовчи Султонов-

лар оиласида айнан шундай фожиа юз берди. Ушбу шаҳарчада истиқомат қилувчи Қуанишбай Султонов ва азин Амунининг нариги соҳили — Қорақалпоғистоннинг Эллиққалъа туманида камолга етган Альфия Бежжасарованинг 2016 йил тўй-томошалар билан бошланган оилавий турмуши мўрт ва омонат бўлиб чиқди.

(Давоми 2-бетда) ►

Сўнги йилларда судлар томонидан ноҳақ айбланган шахсларнинг оқланаётгани, ҳаётимизда адолат тамойилларининг қарор топаётгани суд-ҳуқуқ тизимидаги шиддатли ислохотларнинг энг ёрқин самарасидир. Бу, ўз навбатида, юртдошларимизнинг ишончини янада мустаҳкамламоқда.

## Оқлов

### Ноҳақ айбланган тадбиркор

суд жараёнида оқланди



Фарғона шаҳридаги "Farg'ona maxsus energo montaj" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Шокиржон Алихонов ҳам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан юртимизда одил судлов таъминланаётганига ишонч ҳосил қилди.

Дастлабки тергов органи томонидан эълон қилинган айбловга кўра, Ш.Алихонов умум-белгиланган солиқларни тўлашдан қочиш мақсадида жамият ишчилари сонини билан юртимизда одил судлов таъминланаётганига ишонч ҳосил қилди.

(Давоми 4-бетда) ►

## Муносабат

### Шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш янги Ўзбекистоннинг стратегик мақсадидир

Инсонни эъзозлаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини амалда таъминлаш орқали уларни рози қилиш мамлакатимизда амалга оширилаётган туб демократик ўзгаришлар, шиддатли ва изчил ислохотларнинг моҳиятини ташкил этади.

Замонавий демократик ҳуқуқий давлатда инсон ҳуқуқлари суд тизими орқали ҳимоя қилинади. Шу боис охириги 10-15 кун ичида инсон ҳуқуқларини амалда таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган, суд-тергов тизимини замон талаблари асосида такомиллаштиришга қаратилган иккита тарихий Фармон қабул қилинди. Айниқса, Президентимизнинг 2020 йил 10 августда қабул қилинган "Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ана шу инсонпарвар ислохотларнинг мантӣқий давоми сифатида намоён бўлди.

Куйидаги давра суҳбатида ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти, аҳамияти ва унда белгиланган вазифалар ҳақида судьяларнинг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.



Бахтиёр ҚИЛИЧЕВ, Қашқадарё вилояти маъмурий суди раиси вазифасини бажарувчи

— Мазкур Фармон суд-тергов амалиётини чуқур ўрганиш, қайси босқичда қандай хато ва камчиликлар борлигини атрофлича таҳлил этиш натижасида қабул қилинган. Бунинг бир қатор асослари бор.

Биринчи асос: жиноят про-

цессида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлаш бўйича механизмлар тўлиқ ишга солинмаган эди. Шунингдек, қонунчиликда жиноят ишларини тергов қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ваколатларини аниқ белгилаш билан боғлиқ бўшлиқлар мавжуд.

Шунинг учун Фармонда шахсга нисбатан қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш билан боғлиқ қилмишлар содир этилишининг олдини олиш бўйича самарали механизмларни жорий қилиш, бундай қилмишлар учун жавобгарликни кучайтириш масаласи белгиланди.

(Давоми 2-бетда) ►





